

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма хукуқида  
УДК: 336.74 (575.1)

**АЗИМОВ ШАҲЗОД ҚАҲХОРОВИЧ**

**МИЛЛИЙ МОЛИЯ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ШАРОИТИДА МОНЕТАР СИЁСАТНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**1230**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ .....</b>	<b>3</b>
<b>1-БОБ. МИЛЛИЙ МОЛИЯ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МОНЕТАР СИЁСАТНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>12</b>
1.1. Миллий молия бозорини ривожлантириш хусусидаги илмий-назарий қарашлар.....	12
1.2. Монетар сиёсатнинг илмий-назарий асослари.....	27
1.3. Миллий молия бозорини ривожлантириш шароитида монетар сиёсатни такомиллаштириш бўйича хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари .....	48
Биринчи боб бўйича хулоса .....	58
<b>2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА МОНЕТАР СИЁСАТНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ.....</b>	<b>60</b>
2.1. Молия бозорини ривожлантиришнинг меъёрий-хукуқий ва институционал асослари.....	60
2.2. Монетар сиёсатнинг стратегик ва тактик мақсадлари .....	66
2.3. Монетар сиёсат инструментларидан фойдаланиш амалиёти .....	90
Иккинчи боб бўйича хулоса .....	113
<b>3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН МОЛИЯ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА МОНЕТАР СИЁСАТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....</b>	<b>116</b>
3.1. Молия бозорини ривожлантириш шароитида монетар сиёсатни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар .....	116
3.2. Молия бозорини ривожлантириш шароитида монетар сиёсатни такомиллаштириш йўллари .....	124
Учинчи боб бўйича хулоса .....	143
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>146</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>148</b>

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Аҳоли фаровонлигини ошириш бугунги кунда барча мамлакатларда ижтимоий-иктисодий сиёсатнинг асосий мақсади бўлиб қолмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фаровонликнинг энг муҳим жиҳати, шубҳасиз, иктиносидий ўсишдир.

Сўнгги бир неча ўн йилликда иктиносидий қарашларнинг тобора ижтимоий-иктиносидий ривожланишнинг муҳим масалаларига қаратилиши ва ривожланаётган мамлакатларнинг қониқарсиз иктиносидий ўсиши ва ташқи шокларга заифлиги самарали макроиктиносидий сиёсатни ишлаб чиқиши ҳар қачонгидан ҳам муҳим эканлигини кўрсатади. Буни амалга оширишда мамлакат ҳукуматларидан бозор иктиносидиётининг асосий тамойилларига путур етказмаган ҳолда иктиносидиётни ривожлантириш учун оптималь сиёсатни топишни талаб этмоқда. Ўтган аср давомида турли иктиносидий назариялар ишлаб чиқилган бўлиб, улар асосида мамлакатлар ўзларининг макроиктиносидий сиёсатларини ишлаб чиқмоқдалар ва амалга оширмоқдалар. Дарҳақиқат, макроиктиносидий сиёсатнинг асосий инструментлари сифатида ривожланиб келаётган фискал ва пул-кредит сиёсатлари иктиносидий ўсиш жараёнини тезлаштириш ва иктиносидиётни барқарорлаштириш учун зарур бўлган самарали, мослашувчан ва оқилона прогноз қилиш имконини берадиган макроиктиносидий инструментга айланди.

Шу сабабли, кўпгина ривожланаётган мамлакатлар қатори Ўзбекистонда ҳам молиявий бозорларнинг жадал ривожланиши шароитида пул-кредит сиёсатини фақатгина барқарорликни таъминлаш учун эмас, балки инфляцияни жиловлаш имконини берадиган, макроиктиносидий барқарорлик ва ўсишни рағбатлантирадиган инструментга айлантиришга ҳаракат қилинмоқда<sup>1</sup>. Бироқ, бу амалиётларнинг натижалари турли мамлакатларда турли хил самара берган бўлиб, бу мамлакатлар Марказий банклари

<sup>1</sup> International Monetary Fund (IMF) (2015). Evolving monetary policy frameworks in low-income and other developing countries International Monetary Fund Washington, D.C. <http://www.imf.org/external/pp/ppindex.aspx>.